## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# ЯНА ТОЛИПОВ САЙЛАНДИ

Цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши тўғрисидаги эълон бир ҳафта олдин энг кўринарли жойга илиб қўйилди. Вобкент районидаги Калинин номли колхоз чорвачилик фермасининг коммунистлари бу йиғилишга пухта тайёргарлик билан келишди.

Сирасини айтганда, ташкилот ҳисобида турувчи 13 коммунистнинг биронтаси ҳам ҳисобот докладини тайёрлаш ишидан четда қолгани йўқ. Цех партия ташкилотининг секретари Завқи Толипов докладни ёзишга киришишдан олдин ҳар бир коммунист билан бафуржа суҳбатлашди. Уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганди.

Секретарь ҳисобот докладини қилар экан, эришилган натижаларни янада самаралироқ қилиш йўллари тўғрисида фикр юритди.

Муваффақиятлар эса анча салмоқли. Колхоз чорвадорлари ўтган беш йиллик планини тўрт йилда адо этишди. Янги беш йилликнинг дастлабки ярим йилида давлатга гўшт сотиш плани 113 процентга, сут — 140 процентга етказиб бажарилди. Фақат чорвачиликнинг ўзидан хўжалик белгиланганига нисбатан қарийб уч баравар кўп даромад кўрди.

— Эришилган муваффақиятлар биз учун чегара эмас, — деди докладчи. — Ферманинг умумий кўрсаткичларини алоҳида бир коммунист эришган муваффақият билан таққослаганда бу айниқса яққол кўзга ташланади. Чунончи, фермада ҳар бош сигирдан йилда ўртача 3 минг килограммдан сут соғиб олинган бир пайтда коммунист-соғувчи М. Искандарова, М. Камоловалар бу кўрсаткични 3500 — 3650 килограммга етказдилар. Фермада ҳар юз бош сигирдан 86 бузоқ олинган бир пайтда улар бузоқ олишни 95—100 таданга етказишди.

Нотиқ партия XXVII съезди белгилаб берган жадаллаштириш программасини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳар бир чорвадор ана шундай юқори самарадорлик билан ишлаши лозимлигини таъкидлади. Бунинг учун хўжалик ҳисоби яратиб берадиган имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш зарур. Чорвачиликдаги пировард натижалардан нафақат ферма ходимлари, балки озуқа етиштирувчи бригадалар ҳам тўла манфаатдор бўлишсин. Мана шундагина инсон омилини янада юксалтириш тўғрисида гап бориши мумкин.

Докладчининг бу фикрини музокарада сўзга чиққан маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Л. Бозоров қўллаб-қувватлади. Ўтган йили социалистик мажбуриятимизни ошириб бажардик. Бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан дон, 300 центнердан кўк поя олишни кўзламоқдамиз, — деди у. Бригадамиз эришаётган натижалар чорвачиликни ривожлантириш пойдевори бўляпти. Аммо дончилар бундан манфаатдорликни тўла ҳис қилмаяптилар. Хўжалик ҳисоби механизмини шундай такомиллаштириш зурурки, чорвачиликдаги пировард натижалар бизнинг ҳам манфаатдорлигимизга таъсир қилсин.

— Ферма оссеминатори, коммунист Ж. Розиқов ўз сўзини раҳбар ва мутахассисларга нисбатан талабчанликни оширишга қаратди. Ўтган бир йил ичида цех партия ташкилоти ферма мудири С. Шароповнинг ҳисоботини тинглади холос.

— Колхоз правленияси ферма ходимлари учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб берди, — деди ўз сўзида сут соғувчи М. Камолова. — Яқинда «Чорвадорлар уйи»нинг фойдаланишга топширилгани туфайли энди фермадан чиқмай туриб биз медицина кўригидан ўтишимиз, савдо ва маиший хизматдан фойдаланишимиз, кино ёки телевизор кўриб ёки газета-журнал ўқиб хордиқ чиқаришимиз мумкин. Аммо сут соғувчининг меҳнати ҳамон тўла механизациялаштирилмаган. Ишимизни смена асосида ташкил қилиш тўғрисида раҳбарларимиз бош қотиришлари лозим.

Коммунист М. Хайитов партия аъзолари сафини ўстиришдаги камчиликларга тўхталди. Йил мобайнида цех ташкилоти бирон кишини ҳам партия сафига қабул қилишга тайёрламаганини қандай баҳолаш мумкин? Эътиқоди, меҳнати ва турмуш тарзи билан КПСС аъзоси бўлишга лойиқ ёшлар фермада кўпчилик.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар С. Шаропов, И. Хўжамов, М. Искандарова, район партия комитетининг иккинчи секретари Р. Ражабов чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш, оммавий-сиёсий тадбирларни кучайтириш, топширилган иш участкаси учун раҳбарларга, ҳар бир коммунистга талабчанликни ошириш тўғрисида фикр-мулоҳазаларини айтдилар.

КПСС XXVII съездида партия Уставига киритилган ўзгартишга асосан ферма коммунистлари хоҳиши билан цех партия ташкилоти секретари биринчи марта очиқ овоз бериш йўли билан сайланди. Колхоз бош зоотехниги, коммунист З. Толипов принципиаллиги, камчиликларга муросасизлиги, жамоат иши учун жон куйдириши туфайли цех партия ташкилоти секретарлигига қайта сайланди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ДЕПСИНИШ

Цех партия ташкилоти ўз ишини қай тарзда қайта қуриб оляпти? Барча коммунистларнинг ўз гражданлик позициясини белгилаб олишига, сиёсий ва меҳнат фаолиятини активлаштиришга, топширилган иш учун жавобгарлигини кучайтиришга эришяптими? Кегайли районидаги М. Жуманазаров номли совхоз марказий устахонаси цех партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътибор партия ташкилотининг шу соҳада олиб бораётган ишларига қаратилди.

Йиғилиш коммунистларнинг актив иштирокида, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Цех партия ташкилоти секретари М. Қутлимуродовнинг ҳисобот докладида, шунингдек музокарада сўзга чиққан коммунистларнинг нуқтларида бажарилган ишлар чуқур таҳлил этилди. Партия ташкилотининг хўжалик соҳаларини механизациялаштиришга раҳбарлиги, бу соҳада коммунистларнинг активлиги ва авангардлик ролини таъминлаш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳар бир коммунистнинг сўзида атрофлича муҳокама қилинди. Цех партия ташкилоти ҳисобидаги 14 КПСС аъзоси ва бир партия аъзолигига кандидатнинг фаолиятига принципиаллик билан баҳо берилди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида совхозда 3700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан, жами 7400 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбурияти олинган. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда 72 та культиватор ишлатиляпти. Техниканинг ремонтсиз ва самарали ишлашини таъминлаш учун устахона коммунистлари, инженер-техник ходимлар, ремонтчилар баракали меҳнат қилмоқдалар. Аммо бу ишларни етарли деб бўлмайди. Ишни бундан ҳам дурустроқ ташкил этиш мумкин ва лозим. Йиғилишда коммунистлар ана шундай тўхтамга келишди.

— Техникани бир меёрда ремонт қилиш имкониятига эга эмасмиз, — деди сўзга чиққан назорат бўйича механик М. Алибеков. — Пахта терадиган машиналарни мавсумга тайёрлашда сусткашлик бўляпти. Шпинделлар, чўткалар ва бошқа эҳтиёт қисмлар етишмаётир. Ремонтчилар бекор туриб қолмоқдалар. «Т-4» маркали тракторларнинг ремонти баъзан арзимаган эҳтиёт қисмлар етишмаганлиги оқибатида бир-бир ярим ой тўхтаб қолмоқда. «ОВХ-28» маркали ва бошқа турдаги агрегатларни ғўза дефолиацияси бошлангунга қадар созлаш графиги барбод бўляпти.

— Цех партия ташкилотининг олдинги йиғилишларида хўжаликка партиявий раҳбарликни мустаҳкамлаш лозимлиги ҳақида гапирилган ва бу таклиф йиғилиш қарорига киритилган эди, — деди ўз сўзида коммунист Ж. Мамутов. — Афсуски, қарор қоғозда қолиб кетяпти. Партия ташкилоти секретари унинг ижросини назорат қилиб бормаётир. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ва ремонт ишларининг чўзилиб кетаётгани сабаби ана шунда.

Пахта териш машиналари механиги Н. Уббиев коммунистлар эътиборини муҳим масалага қаратди. Ҳисобот доклади жуда бўш тайёрланган, — деди у. — Партия ташкилоти фаолиятидаги камчиликлар аниқ мисоллар асосида очиб ташланиши керак эди. Бундай камчиликлар эса кўп. Масалан, коммунистларнинг ремонтчилар сонини кўпайтириш ҳақидаги таклифи амалга ошмай қоляпти. 70 ремонтчидан фақат 35—38 кишигина ишга келмоқда. Бир қатор бўлимларда эса пахта териш машиналарини ремонт қилаётган кишилар 3—4 нафардан ошмаяпти. 4-бўлимдан битта ҳам ремонтчи пахта териш машиналарини созлашда қатнашмаётгани ташвишланарли ҳол. Партия ташкилоти бундай ўзибўларчиликка барҳам бериши керак.

Ремонтчи механизаторлар ва механикларга унумли меҳнат қилишлари ва яхши дам олишлари учун зарур шароит яратиб бериш йиғилиш қатнашчиларининг асосий диққат марказида бўлди.

— Бизда шу соҳада жиддий нуқсонлар кўп, — деди инженер М. Сагинбоев. — Партия ташкилоти инсон омили ҳақида ғамхўрлик қилишни унутиб қўймоқда. Механизаторлар бўш вақтларини қандай ўтказаётганликлари билан ҳеч ким қизиқмаяпти. Кишиларга ғамхўрлик бўлган жойда иш ҳам унумли бўлишини асло унутмаслик керак.

Йиғилишда цех партия ташкилотининг касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарликни таъминлаш, устахонада пудрат усулида ишлайдиган бригадалар ташкил этиш юзасидан йўл қўяётган камчиликлари очиб ташланди. Социалистик мусобақани кучайтириш ва бу ишда айниқса унинг принципларига қатъий амал қилиш лозимлиги уқтирилди. Устахона совхоз раҳбарларининг эътиборидан четда қоляпти. Техника қишда қор-ёмғир остида лойга беланиб ётади, ёзда эса жазирама иссиқда куйиб занг босади. Шийпонлар қуриш ва техникани авайлаб асраш кун тартибидаги асосий вазифа бўлмоғи керак. Совхоз дирекцияси ва партия комитети бу соҳада марказий устахона цех партия ташкилотига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Цех партия ташкилоти йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Коммунист Г. Валиева секретарь қилиб сайланди.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЧЕРНОБИЛГА

# МУКОФОТ 904-СЧЁТГА ЎТКАЗИЛДИ

**Навоий қурилиш бошқармасидан Насим Ҳайров бригадасига «Коммунистик меҳнат коллективи» деган унвон берилди. Йил бошидан бери шаҳар қурилишларига бу бригада бошқа ҳамма бригадаларга нисбатан кўпроқ қоришма ташиди ва ажратилган ёнилғининг ўндан бир қисмини тежади.**

**Шоферларнинг сменаси эрталаб соат 5 да бошланади, машиналар маршрутлар бўйлаб тўхтовсиз қатнаб туради. Автомобилчиларнинг айби билан қурувчилар ҳеч қачон бекор туриб қолишмаган. Уларнинг фикрларига кўра, виждонан ишлаш Ҳайров бригадасига хос бўлган хусусиятдир.**

**Бригада пудрати зарбдор суръатга эришишга ёрдам берди. Меҳнатни ташкил этишнинг шу самарали усули жорий этилиши билан мўлжалдаги юк ташиш ҳажми оз состав билан бажарилмоқда. Ҳайдовчиларнинг ҳаммаси турдош касб — автослесарликни ўзлаштириб олган ва эндиликда вақтни бой бермай кўпгина носозликларни ўзлари тузатмоқдалар. Бригаданинг техникани билиб ишлатиши авария ва бузилишларсиз ишлашга ёрдам берди, пландаги ремонтлар сонини камайтирди.**

**Навоий шаҳри бинокорлари коллективидаги мусобақа якунларига кўра, Н. Ҳайровнинг ҳайдовчилар бригадаси катта мукофот олди. Меҳнат рақобатининг ғолиблари шу пулларнинг ҳаммасини бутун мамлакатга маълум 904-счётга — Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш фондига ўтказдилар.**

**(ЎзТАГ).**

# ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲИММАТИ

**Чернобилдаги воқеа «Каршистрой» бошқармаси коллективини ҳам ташвишга солди. Бепоён даштда қўриқ очаётган, янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар бунёд этаётган чўлқуварлар қардошларга ёрдам беришга шошилдилар.**

Азамат қурувчилар дам олиш кунларида Чернобиль атом электр станцияси ёрдам фондига маблағ ўтказиш учун баракали меҳнат қилдилар. «Промжилстрой» тресги бинокорлари, айниқса, баланд руҳ билан ишлашди. 4-механизациялашган кўчма колоннанинг СССР Давлат мукофоти лауреати, партия XXVII съезди делегати Мели Ҳакимов бошлиқ комплекс қурувчилар бригадаси аъзолари ғайрат кўрсатиб ишлаб, бир сменада икки норма бажардилар.

Ташаббус кўрсатиб меҳнат қилган бундай ватанпарварлар 3-, 16-кўчма колонналарда ҳам кўпчиликни ташкил қилди. Трест бўйича 25 минг сўм Чернобиль фондига ўтказилди. Баҳористондаги «Целинстрой» трести коллективи 12 минг сўм, «Каршиирмонтаж» тресги азаматлари 12,5 минг сўм, автотранспорт корхоналари бошқармаси 16 минг сўм ўтказиб, қардошлик бурчларини адо этдилар.

**М. КАРОМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# АВАРИЯ САБОҚЛАРИ

21 август куни совет ва чет эл журналистлари Чернобиль АЭСидаги авария сабаблари ва унинг оқибатлари тўғрисида қисқача ахборот олдилар. СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан СССР атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг раиси А. М. Петросьянц авария сабаблари ва унинг оқибатлари тўғрисидаги батафсил ахборот атом энергияси халқаро агентлигига тақдим этилди ва у 25 август куни МАГАТЭга аъзо бўлган мамлакатлар техник экспериментларининг кенгашида маълум қилинади, деди.

26 апрель куни Чернобилда рўй берган фожиали воқеага нима сабаб бўлди? А. М. Петросьянц бу саволга жавоб қайтариб шундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳукумат комиссиясининг маълумоти юзасидан матбуотда эълон қилинган қарорида авария АЭС ходимлари станциядан фойдаланишда йўл қўйган бир қанча қўпол нуқсонлар натижасида рўй берганлиги айтиб ўтилди. Станциянинг тўртинчи блоки 1983 йилнинг декабрида ишга туширилган эди ва бошқа блоклар каби жуда қониқарли ишлаб турганди. Масалан, 1985 йилда станция қувватидан фойдаланиш яхши коэффициентига эга бўлган, 29 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилган эди. Станциянинг узлуксиз ишлаб турганлиги қандайдир бепарволик ва хотиржамликка олиб келган бўлиши мумкин. Бу эса пировард натижада оғир оқибатларга олиб келган масъулиятсизлик, совуққонлик, интизомсизликнинг билвосита сабаби бўлган бўлиши мумкин.

Тўртинчи блок икки йил ишлагандан кейин АЭС дирекцияси томонидан планлаштирилган ремонт ишлари учун тўхтатилиши олдидан турбогенераторлардан бирини синаб кўриш мўлжаллаган эди. Текшириш чоғида синов программасининг сифати пастлиги, зарур хавфсизлик тадбирлари кўзда тутилмаганлиги аниқланди. 25 апрель куни соат 14 да реакторни авария ҳолатида совутиш системаси тўхтатиб қўйилди ва эксперимент ижрочилари синовларни бошламоқчи эдилар, бироқ Киев энергодиспетчерининг талабига мувофиқ, блок ишини тўхтатиб қўйиш кечиктирилди ва у 26 апрель соат 1 дан 23 минут ўтгунча, яъни авария юз берган пайтгача авария ҳолатида совутиш системаси тўхтатилган ҳолда ишлаб турди. Авария учун айбдор бўлган кишилар қаттиқ жазоланди.

И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институти директорининг биринчи ўринбосари академик В. А. Легасов авария сабабларини тадқиқ этиш билан шуғулланган экспертлар катта группасининг синчиклаб олиб борган ишлари тўғрисида журналистларга гапириб берди. Журналистлар олимларга берган кўпгина саволлар авария оқибатларининг одамлар соғлиғига, атроф муҳитга таъсирига тааллуқли бўлди. СССР медицина фанлари академиясининг вице-президенти Л. А. Ильин ва СССР гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль мана шу саволларга жавоб бердилар. Авариядан кейин даволанаётган кишиларнинг соғлиғи яхши, уларнинг кўплари санаторийлар ва дам олиш уйларида соғломлаштириш курсини ўтяптилар. Аммо шу кишиларнинг ҳаммаси синчиклаб қилинадиган медицина назоратидан ўтиб туради. СССР Медицина фанлари академиясининг Киевда барпо этилаётган радиацион медицина маркази шу ишни мувофиқлаштириб ва йўлга солиб, тадқиқотлар олиб боради. Авариянинг табиий муҳитдаги оқибатлари доимо назорат этилмоқда. Днепр ҳавзасидаги дарёлар сувининг ҳолати қониқарли. Магазинлар ва бозорларга келтирилаётган барча маҳсулотлар қаттиқ доземетрик назоратдан ўтказилмоқда.

СССР Ташқи ишлар министрлиги ядро энергиясидан ва космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари бўлимининг мудири Ю. К. Назаркин Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетасининг мухбири берган саволга жавоб қайтариб, шу йил май ойида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев олға сурган таклифлар бутун дунёда кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда, деб таъкидлади. Яқинда Венадаги кенгашда ишлаб чиқилган конвенцияларнинг лойиҳалари атом энергетикасини хавфсиз ривожлантириш системасининг энг асосли элементлари бўлиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб, бугун журналистлар тафсилотларини билиб олган авария огоҳлантиради. Огоҳлантирганда ҳам атомчи-мутахассислар, энергетикларнинг ўзларинигина эмас. М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, бу воқеа ядро қуроли ишга солингудек бўлса, нималар рўй беришига ибратли сабоқ бўлди. Совет Иттифоқи ядровий портлатишларни ўз ихтиёри билан тўхтатиб турганлиги ва 18 августда унинг муддати яна узайтирилганлиги бу хавф-хатар йўлига яна битта ғов солади. Бу донолaрча қабул қилинган тадбир дунё халқлари ядро-космик асрнинг қудратли кучлари фақат одамларнинг фаровонлигига сарфланади, деб умид қилишларига имкон беради. (ТАСС).

## ЯНГИЛИКЛАР

### Техника шарофати

● Ангрен станциясидаги ҳамма постларда стрелкачилар бошқа ишларга ўтказиб юборилди. Уларнинг ишини марказий пульт ёнида ўтирадиган биргина навбатчининг ўзи бажарадиган бўлди. У бу ерда ишга туширилган диспетчерлик марказлаш системасининг ёрдами билан станциядаги бутун ҳаракатни бошқаради. Бўшаб қолган ишчилар олдиндан янги ҳунар ўргандилар ва бошқа участкаларга ўтиб ишлай бошладилар.

### Ёрдамчи хўжаликда

● Қиргули посёлкасида 700 бош чўчқа умумий овқатланиш трестининг ёрдамчи хўжалигида сўкимга боқиш учун қабул қилиб олинди. Йил бошидан бери бу ердан магазинларга 32 тонна — йиллик топшириқдан анча кўп миқдорда чўчқа гўшти юборилди. Шаҳарчанинг ошхоналари фермаларни чиқиндилар билан етарлича таъминлаб турибди. Йил охиригача Қиргули яна камида 10 тонна гўшт олади.

### Чиқиндилардан янги маҳсулотлар

● «Дарвозахонадаги виставка». Асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан турли тўрлар ва бошқа хил маҳсулот ясаётган «Чирчиксельмаш» заводи шу маҳсулотлар виставкасини ташкил этди. Тўрдан чорбоғни ўраш, қуёнхона ёки паррандахоналар ясаш мумкин. Харидорларнинг истакларига мувофиқ завод шу тўрлардан ажратма секциялар ясаб беради. Қайчи ва нондон сингари зарур ашёлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

**(ЎзТАГ).**





## Болалар уйи фондига

**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Таллиндан келган «Альтруист-2» студент қурилиш отряди «Чимён» туристик комплекс ёнгинасида спорт иншооти барпо этмоқда. Қурувчилар отрядининг кўпчилигини Таллин педагогика институти студентлари ташкил этади. Уларга политехникум, қурилиш техникуми талабалари ҳам ҳамкорлик қилаётирлар.**

**Қурилишда қисқа вақт ичида 40 минг сўмлик бинокорлик ишлари бажарилди. Отряд жангчилари меҳнат қилиб топилган маблағни Чирчиқ шаҳридаги 14- ва Таллиндаги Ныммес болалар уйлари фондига ўтказадилар.**

**Суратларда: «Альтруист-2» отряди аъзоларидан Арно Пихл (чапда) ва Роман Фунтяков бетон қуйиладиган жойга опалубка ўрнатмоқдалар. Ўнгдаги суратда — студент қурилиш отряди аъзолари.**

**А. ИЛЬЯСОВ (ЎзТАГ) фотолари.**

### Аҳолига қулайлик

Наманган ёқилғи савдо базаси ўтин-кўмирни биринчи навбатда уруш инвалидлари ва кўп болали оилаларнинг уйларига етказиб бера бошлади. 170 нафар фронтчи ветеран шу таҳлитда — кира ҳақисиз ёқилғи олди. Уларга ёқилғи ярим нархида берилди. (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# «БЎШ ВАҚТ — ХУШ ВАҚТ»

**Юқоридаги сарлавҳа билан газетанинг 1986 йил 15 май сонида туркум материаллар эълон қилинган эди. Шулар юзасидан редакция қуйидаги жавобларни олди.**

**— Мақолада келтирилган фактларни жойларнинг ўзида чиқиб текширдик, — дейилади халқ депутатлари Наманган область Совети ижроия комитети юборган мактубда. — Улар асосан тасдиқланди. Текшириш якунлари Тўрақўрғон район физкультура ва спорт комитетида муҳокама қилинди. «Ёшлик» спорт клуби ишида нуқсонларга йўл қўйганлиги ҳамда ўз вазифасига эътиборсизлик билан қараганлиги учун клуб директори А. Абдулҳодиевга ҳайфсан эълон қилинди.**

**Камчиликлар ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш учун Тўрақўрғон район физкультура ва спорт комитетига хўжаликлараро «Ёшлик» спорт клуби тадбирларини бутунлай қайтадан кўриб чиқиш вазифаси топширилди. Ҳозирги пайтда клубнинг барча секцияларида машғулотлар жадвал асосида олиб борилмоқда. Область физкультура-спорт комитетига Тўрақўрғон районида оммавий спорт ишларини яхшилашда амалий ва методик ёрдам кўрсатиш, бу ишларни мунтазам равишда назорат қилиб бориш юклатилди.**

* * *

**— Мазкур мақола Қарши политехникуми коллективи ўртасида муҳокама қилинди, — дейилади халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетидан олинган мактубда. — Яқинда мерганлик тири ремонтдан чиқарилиб, тартибга солинди. Унда машғулотлар мунтазам равишда ўтказилмоқда.**

**Сузиш ҳавзаси эса 1982 йилда лойиҳасиз, техникавий ва санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинмасдан ҳашар йўли билан қурилган эди. Шу туфайли спорт мақсадлари йўлида ундан фойдаланилмади. Қарши политехникуми комплекси қурилишининг янги лойиҳасида сузиш ҳавзаси бунёд этиш кўзда тутилмоқда.**

**«Ленин йўли» совхозидаги стадион 1982 йилда қурилган эди. Ҳозир бу ерда ҳам уни тартибга солиш ва ободонлаштириш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.**

* * *

**— Халқ депутатлари Навоий область Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики, мақолада келтирилган фактлар ҳақиқатда ҳам тўғри. Ҳозирги пайтда «Ёшлик» стадиони қуриб битказишнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилди. Махсус штаб тузилиб, у ҳар куни кеч соат 17.00 да бевосита стадионнинг ўзида иш олиб боради. Шунингдек, ўн иккинчи беш йилликда оммавий спорт ишлари аҳволини янада яхшилаш мақсадида «Нарпай» совхозида спорт зали, «Ленин йўли» ва «Қизил Ўзбекистон» колхозларида, «СССР 60 йиллиги», «Фарҳод», «Малик» совхозларида теннис спорт комплекслари бунёд этилади.**

* * *

**— Хўжаобод район физкультура ва спорт комитети раиси лавозими узоқ вақт мобайнида бўш турганлиги сабабли районда физкультура ва спорт ишлари аҳволи бўшашиб кетди. Ҳозирги пайтда бу лавозимга кадр қўйилди. «Победа», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон» колхозларида ва «Коммуна», «Калинин» номли совхозлардаги физкультура ва спорт ишларининг аҳволи муҳокама қилинди. «Ўзбекистон» колхозининг спорт инструктори вазифасидан озод қилинди. А. Набиев номли колхоз ва «Коммуна» совхозидаги спорт иншоотлари ва анжомларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Район марказидаги сузиш ҳавзаси ишини яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда.**

**Хўжаликлар раҳбарларига физкультура ва спорт ишларига эътиборни кучайтириш топширилди, — дейилади халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетидан олинган мактубда.**

Мақола юзасидан фақат Сурхондарёдан жавоб олинмади. Халқ депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитети раҳбарлари эътиборини ана шу бепарволик фактларига қаратиб, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида расмий жавоб кутамиз.

# КЕКСАЛАР ЁРДАМИ БИЛАН

**Шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг кексаларини экскурсияга таклиф этишди. Улар махсус юборилган автобусларга тушиб, Жиззахдаги устки трикотаж фабрикасига келдилар.**

Кексалар бу ерга биринчи марта ташриф буюргандилар. Улар фабрика ҳаёти билан қизиқиб танишдилар. Учрашув натижаси кутилганидек чиқди: кексалар эртасигаёқ қизлари ва набираларини корхонага юбора бошладилар.

— Шу экскурсиядан сўнг бизнинг ўқув комбинатимизга 120 қиз ариза берди, — деди бош инженер И. Лутфуллаев.

Ёш қизлар маҳалладан ишлаб чиқаришга юборилмасди. Шундай қилиб бу анъанани уни сақловчиларнинг ўзлари — кексаларнинг ёрдами билан бузиш мумкин бўлди. Кексалар фабрикада ишлаш катта ва муҳим иш эканлигига қаноат ҳосил қилдилар. Шундай қилиб ёшлар фабрикага йўл олдилар. Бош инженер салкам ўттиз ёшда, директор ўттиз учда, коллективнинг ўртача ёши эса ўн тўққизда.

(ЎзТАГ).

